

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ИИВ Молия ва моддий техника таъминоти департаменти бошлиғи
Ўзбекистон Республикаси



А. А. Абиджанов

« 4 » 03 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хужалик бошқармаси
тасарруфида бўлган 5-сонли Навруз МТМ техник куриқдан ўтказиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молия ва моддий-техника департаменти.

Техник кўрик хужжатларини ишлаб чиқиш муддати алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Техник кўрик ишларини молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Таклифлар фақат Давлат тилида қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиши лозим: ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда Техник кўрик хужжатларини ишлаб чиқиш тажриба ва кўникмаларга, шартнома тузишда фуқаролик-муомала ҳамда ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Ташкилотлар танлов таклифларида лойиҳа ишларини бажариш қиймати қанча эканлигини кўрсатиб ўтишлари шарт.

Танловда иштирок этувчилар: бирламчи Техник кўрик хужжатлари билан танишиш учун Буюртмачининг қуйидаги манзилига мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси, 1-уй. Тел/факс: 71-231-40-50, 71-231-45-81,

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ўз таклифларини эълон берилган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида қадар тақдим этишлари лозим.

Танлов таклифлари бир нусхада муҳрланган конвертларда кузатувчи хат орқали қабул қилинади.

Танловни ўтказиш вақти 5 (беш) кун муддат тугаганидан сўнг 3 (уч) иш кунда Буюртмачи манзилида.

Банк реквизитлари: Тошкент шаҳар, Ю.Ражабий кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси х/р _____, ИНН 200637696, ОКОНХ 97300, ОКЭД 84111, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Амалиёт бошқармаси х/р 23402000300100001010, МФО 00014, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ХККМ.

**Танловга қўйилган объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш
энг юқори нарҳлари**

Т/Р	Объектнинг номи	Қуввати	Энг юқори нарҳ ҚҚС билан	Бажариш муддати
1	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хўжалик бошқармаси тасарруфида бўлган 5-сонли Навруз МТМ техник кўрикдан ўтказиш бўйича	-	60 000 000	5 кун
Жами:				

ТАШКИЛОТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- **(1-талаб)** Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий ахборотлар. Ушбу талабга илова тариқасида лойиҳа ташкилоти ходимларнинг етарли малакага эга эканлиги, шунингдек, ташкилотда доимий ишловчи ходимларнинг сони тўғрисида маълумот тақдим қилиш шартлигини белгилаш.

- **(2-талаб)** Танлов иштирокчисининг охириги 3 (уч) йил давомида Давлат буюртмачилари билан ишлаганликлари ҳақидаги маълумот илова қилиш шартлигини белгилаш.

- **(3-талаб)** Охириги 3 (уч) йилда қурилиш ва реконструкция объектларида лойиҳа ишларини бажариш бўйича иш тажрибаси ҳақидаги маълумот илова қилиш шартлигини белгилаш.

- **(4-талаб)** Махсус ахборот порталида эълон қилинган танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

**ТАНЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШДА
ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ
(РЕГЛАМЕНТИ)**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Танлов комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 25 январда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 7-боб, 50-55-моддалари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, танлов комиссиясининг танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартиби, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур иш тартиби (кейинчалик регламент) тавсия хусусиятига эга, танловларнинг предметида қатъий назар, танлов комиссияси томонидан ўзгартиришлар киритилиши ва белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тасдиқланиши мумкин.

1.3. Танлов комиссияси, танловларнинг бевосита иштирокчиси бўлган ҳолда (танловларни ўтказиш жараёнида доимий орган), буюртмачининг буйруғи ёки бошқа фармойиш берувчи ҳужжати билан тузилади ва танловларнинг тартиботига доир масалаларни кўриб чиқишга, муҳокама этиб тасдиқлашга ҳуқуқлидир.

2. ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Танлов комиссиясининг дастлабки йиғилиши, танлов ҳужжатининг расмийлаштириш жараёнида комиссия:

1. Ўз иш регламентини белгилайди ва уни тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этади;

2. Кўриб чиқади ва тасдиқлайди:

- таклифларни кўриб чиқиш мезонларини;

- таклифларни очиш куни, вақти ва жойини белгилайди (махсус ахборот порталида ёки Ўзбекистон Республикаси ИИВ сайтида эълон қилинган кундан бошлаб 5 кундан сўнг, таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб 3 кундан сўнг);

- айрим сабабларга кўра танлов ўтказилмай қолган тақдирда, такроран танловни ўтказиш ҳақидаги эълон махсус ахборот порталида ёки Ўзбекистон Республикаси ИИВ сайтида эълон қилинган кундан бошлаб 5 иш кундан олдин бўлмаслигини.

2.2. Лойиҳани амалга оширишда қийматларидан, муддатларидан ва ишларнинг хусусиятидан қатъий назар, ҳар бир объект бўйича таклифлар алоҳида кўриб чиқилади.

2.3. Танлов комиссияси қайсидир битта танлов иштирокчисига устунлик берадиган танлов таклифлари белгилашга ҳуқуқи йўқ.

2.4. Танлов комиссияси йиғилишларда, қоидага кўра, таклифлар солинган конвертларни очади, малакавий баҳо беради ёки бошқа қарорлар қабул қилади.

2.5. Йиғилишларда комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган ва иштирок этган барча комиссия аъзолари имзо чекадиган баённомалар юритилади.

2.6. Танлов комиссияси котибининг вазифаларига танлов комиссиясининг ишчи ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда ҳар бир бўлиб ўтган йиғилишларни

баённомалаштириш киради, бунда комиссия котиби мустақил овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

2.7. Қоидага кўра, танлов комиссиясининг котиби этиб, танлов савдоси буюртмачисининг вакили тайинланади.

3. ТАКЛИФЛАРНИ ОЧИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ

3.1. Таклифларнинг очилиши танлов комиссиясининг йиғилишларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- барча талабгорларнинг конвертлари кўздан кечирилади, уларнинг ташқи кўриниши комиссия томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- таклифларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда, кўриниши комиссия томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Очилган конвертлар таркибда 1, 2, 3, 4-талаблар нотўғри расмийлаштирилганлиги аниқланса, таклиф ҳужжатлари талабгорга қайтариб берилади.

3.3. Таклифларни ўрганиш талабгорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокисиз, тасдиқланган талаблар, мезонлар асосида ўрганиб чиқилади, бунда танлов комиссиясининг раисига ва аъзоларига таклифларнинг асл нусхалари топширилади.

3.4. Берилган таклифларда нарх-наволар ва муддатлар бир хиллиги аниқланган тақдирда кўпчилик овоз билан ҳал қилинади, агар овозлар тенг бўлганда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

3.5. Талабгорлар танловда иштирок этиш юзасидан ўз фикрини ўзгартириб, иштирок этишни истамаган ҳолларда берилган таклифи очилмасдан қайтариб берилади.

3.6. Агар таклифнинг ташқи кўринишига зарар етган бўлса ва бундан талабгорнинг хабари бўлмаса, унда талабгор танлов комиссиясининг йиғилишида таклиф очилиши вақтида бу ҳақида таъкидлаб ўтишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда танлов комиссияси танловларини тўхтатиши ва текшириб кўриши учун талабгорнинг таклифини қайтариб бериши керак.

4. ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Талабгорлар орасида лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун энг мақбул таклиф ғолиб деб ҳисобланади.

4.2. Танлов комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.3. Танлов ғолиблари комиссия томонидан иштирок этиш истагини билдирган танлов қатнашчиларининг иштирокида эълон қилинади.

4.4. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилган қарори якуний ҳисобланади ва шартнома имзоланади.

5. ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

5.1. Танлов комиссияси талабгордан давлат Буюртмачилигида қандай объектларда лойиҳалаш ишларини амалга оширганлиги ҳақида тасдиқловчи далилларни ҳужжат шаклида талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. Танлов комиссияси ўзининг қарори билан қуйидаги ҳолатлар бўйича:

- тақдим этилган ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг талабларига мос келмаганда, нотўғри маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлган ҳоллар аниқланганда;

- агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар ёки хизматларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, талабгорнинг лицензияси бўлмаса;

- агар талабгорлар қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган ҳолларда;

- муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ҳоллар мавжуд бўлганда;

- талабгорни четлатишга ва таклифларни кейинчалик ўрганмасдан қайтариб беришга ҳақлидир.

5.3. Комиссия танловларни ўтказиш жараёнида танлов иштирокчилари томонидан келиб чиққан фикр-мулоҳаза ва талабларни 10 кунлик муддатдан ошиб кетмаган ҳолда кўриб чиқиб, қарор чиқариши ва жавоб йўллаш ҳуқуқига эгадир. Танлов тартиботларидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.4. Танлов комиссияси талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатининг таркиби бўйича изоҳлар билан тушунтиришлар киритишига йўл қўйишга ҳақлидир. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нарҳи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

5.5. Танлов комиссияси қуйидаги ҳолларда:

- танлов комиссияси томонидан белгиланган муддат якунига 2 тадан кам таклиф келиб тушса;

- барча таклифлар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

- талабгорлар томонидан таклиф этилган нарҳлар эълон қилинган бошланғич нарҳга нисбатан юқори бўлганда;

- танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса, ўтказилмаган деб ҳисоблашга ҳақлидир.

5.6. Танловнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши танлов комиссиясининг мулкӣ ёки бошқа тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

5.7. Танлов комиссияси танлов тартиботлари бўйича ҳар қандай қарорга келиши мумкин, қачонки ушбу қарорлар тегишли қарорлар негизида бўлса.

6. ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНING ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Танлов комиссияси:

- танлов тартиботининг босқичларида кворумсиз (танлов комиссияси аъзоларининг сони етарли бўлмаганида), камчилик овоз билан ва ёки танлов ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олмасдан туриб танлов комиссияси томонидан қарор қабул қилинишига;

- талабгордан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асоссиз талаб қилиниши;

- таклиф мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тугатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нарҳлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;

- танлов ғолибининг танлов комиссиясининг очиқ мажлисида аниқланганлиги, танлов ғолибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги;

- танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур иш тартиби танлов ҳужжатининг ажралмас қисмидир ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилгандан ва танлов комиссияси раиси тасдиқлаган вақтдан бошлаб кучга киради.

СЎРОВНОМА БЕРИШ ШАКЛИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Молия ва моддий - техника
таъминоти департаменти Хўжалик
бошқармаси бошлиғига

_____ Сизнинг 2022 йил «___» _____
(танловда иштирок этувчи ташкилот номи) (кун, ой)
қунидаги танловда иштирок этиш тўғрисидаги эълонга асосан, қуйидаги лойиҳа
объектини _____ бирламчи
(лойиҳа объектининг номи)
лойиҳаолди ҳужжатлари билан танишиб, танловда иштирок этиш учун ўз таклифимни
ўрнатилган тартибда юбораман.

Т/р	Объектнинг номланиши	Баҳоси ҚҚС билан	Баҳоси ҚҚС билан	Ишларни бажариш муддати	Изоҳ
1	2	3	4	5	6

_____ (ташкилот раҳбари)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

К Е Л И Ш И Л Д И.

ИИВ Хўжалик бошқармаси бошлиғи
полковник

Ш. О. Азим

ИИВ Хўжалик бошқармаси ЖТБ
бошлиғи катта лейтенант

Т. Т. Хошимов